



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2009 йил 12 ноябрь, № 220 (4883)

Пайшанба

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!
Сизга менинг Европа Иттифоқи комиссияси президенти лавозимига қайта сайланганим муносабати билан йўллаган самимий табригингиз учун миннатдорлик изҳор этаман.

Ҳозир Европа учун ҳам, Ўзбекистон учун ҳам улкан имкониятлар даври, фуқароларимиз биздан барча учун фаровон, хавфсиз ва ишончли келажақ барпо этишни кутаётган давр. Айни пайтда ҳали олдимизда глобал инқироздан чиқишдан то иқлим ўзгаришига қарши курашишга бўлган муҳим вазифалар турибди.

Ишончим комилки, агар биз ўз имкониятларимиздан тўлиқ фойдаланиб, куч ва ҳаракатларимизни самарали ишга солисак, яқин йилларда келгуси ўн йилликлардаги ютуқларимизни шакллантириш йўлини белгилашга муваффақ бўламиз.

Бой анъаналар ва Европа билан кўп асрлик алоқаларга эга бўлган Ўзбекистон Европа Иттифоқининг муҳим ҳамкоридир. Европа Иттифоқи комиссиясига раҳбарлик қилиш ишониб топширилгани менга қувонч ва шараф бағишлайди. Мен Ўзбекистон билан янада яқин муносабатларнинг ривожланишига умид қиламан.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилеи муносабати билан Ўзбекистон халқига равнақ ва фаровонлик тилаб билдирган эзгу истаklarимни изҳор этаман.

Самимий табригингиз учун яна бир бор миннатдорлик билдираман.

Эҳтиром ила,

Жозе Мануэль БАРРОЗО,
Европа Иттифоқи комиссияси президенти.

ЎЗБЕКИСТОН — НОРВЕГИЯ БИЗНЕС-ФОРУМИ

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 11 ноябрь кuni Ўзбекистон ва Норвегия ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон — Норвегия савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалаларига бағишланди. Унда икки мамлакатнинг таъкидланган иқтисодий алоқалар, савдо, сармоя, ёқилги-энергетика, солиқ, боғжона, банк-молия, консалтинг хизмати, авиатрашув, кимё, аэро-муҳити муҳофазаси, геология ва минерал ресурслар ҳамда сайёҳлик соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ҳамда концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Свенсен давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари кўплаб соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Норвегиялик ишбилармонлар мамлакатимиз иқтисодиётига сармоя жалб этишининг устувор йўналишлари, юртимизда давом этаётган кенг қўламли хусусийлашув жараёни, иқтисодиётимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар, банк-молия тизими, нефть-газ соҳаси ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ўзгаришлар, шунингдек, "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонада яратилган кулай сармоявий муҳит ва имкониятлар билан атрофича таништирилди.

Хамкорлик

(Давоми 2-бетда).

ЭЛ САЛОМАТЛИГИНИНГ САМАРАЛИ МУҲОФАЗАСИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг энг асосий йўналишларидан бири — аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашдан иборат. Зеро, юртимизда тиббиёт тизимини замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш, бу борада кўрсатиладиган хизматларни ҳақон андозалари даражасига кўтариш устувор вазифалар сифатида белгиланган.

Кўргазма

Қувонарлиси, ҳозирги кунга келиб, айни шу соҳада қўзланган мақсадларга эришиляпти. Яъни, бугун республикамизнинг қай бир гўшасига борманг, дунёнинг энг илғор компания ва фирмаларида ишлаб чиқарилган тиббиёт технологиялари билан жиҳозланган замонавий шифохоналарда, даволаш ҳамда соғломлаштириш марказларида юксак малакали ходимлар хизмат кўрсатаётганига гувоҳ бўласиз.

Айтиш жоизки, бундай муваффақиятларга эришишда чет эллик мутахассислар ҳамда фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари билан ўрнатилган ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг яхши йўлга қўйилгани муҳим омил бўлмоқда. Бунда, айниқса, пойтахтимизда бир неча йиллардан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "PharmExpo Uzbekistan" халқаро иқтисослашган кўргазмасининг ўзига хос ўрни бор. Негатки, ушбу тадбир фақатгина маҳаллий ва хорижий мутахассисларнинг ўзаро тажриба алмашиш майдонигина

(Давоми 2-бетда).



Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

ЮНЕСКО бош қароргоҳида Ўзбекистонга бағишланган кеча

ЮНЕСКОнинг Париждаги бош қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 18 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди.

Унда ЮНЕСКО раҳбарияти ва ЮНЕСКО Бош конференцияси 35-сессиясининг раиси Д. Хепберн, ЮНЕСКО Бош директорининг стратегик режалаштириш масалалари бўйича ўринбосари Г. Д'Орвилль, ижтимоий ва гуманитар фанлар бўйича ўринбосари П. Сане, мамырий масалалар бўйича ўринбосари А. Кен, шунингдек, ушбу ташкилот хузуридаги доимий ваколатхоналар вакиллари, Парижда аккредитациядан ўтган бошқа халқаро ташкилотлар ва дипломатик миссиялар ходимлари, Франциянинг ижтимоий-сиёсий

2200 йиллиги тантаналарига бағишланган видеофильмни катта қизиқиш билан томоша қилишди ҳамда мамлакатнинг бой сайёҳлик салоҳияти ва ўзбек халқининг маданий мероси ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлишди.

Тадбирнинг айрим иштирокчилари "Жаҳон" ахборот агентлигининг муҳбири билан ўз мулоҳазаларини ўртоқлашди. — Тарихий жиҳатдан унчалик кўп бўлмаган 18 йиллик мустақил тараққиёт даврида Ўзбекистон суверен давлат барпо этишда салмоқли муваффақиятларни қўлга кирита олди ва бу жаҳон ҳамжа-

Биз ва дунё

(Давоми 2-бетда).

Республика Ёшларининг "Биоэкосан" ўқув-услубий мажмуасида Барқарор ривожланиш таълимига бағишланган миллий ҳуқуқий семинар бўлиб ўтди. Мазкур тадбир Марказий Осиё Минтақавий экология марказининг юртимиздаги ваколатхонаси ташаббуси билан Табиатни муҳофазаси қилиш давлат қўмитаси, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳамкорлигида ташкил этилди.

ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТ ВА ТАЪЛИМ УЙҒУНЛИГИ

Барқарор ривожланиш тушунчаси — келажақ авлод имкониятларига пурут етказмаган ҳолда, бугунги авлод эҳтиёжларини қондириш демакдир. Бу эса иқтисодий, ижтимоий ва экологик нуктаи назарларнинг жиғиласи натижасида юзага келади. Масаланнинг ушбу жиҳатлари мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар замирида мужассам этилгани, айниқса, қувонарлидир.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида республикамизда қабул қилинган бир қатор қонунлар аэро-муҳит мусоффолигини таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофазаси қилишда дастурий амал вазифасини бажараяпти. Бу ҳақда семинарнинг биринчи иш кунинда Барқарор ривожланиш таълими (БРТ)ни татбиқ этишининг стратегик ва юридик асосларига бағишланган маърузаларда атрафича сўз юритилди.

Таъкидлангани, бугун миллий таълим тизимида ёш авлодининг экологик савиясини ошириш, уларда экологик маданиятни шакллантиришга жиҳдий эътибор қаратилмоқда. Бу бежиз эмас. Зотан, инсон қалбида она-табиатга бўлган муҳаббат туйғуси болаликда, аниқроғи, ўша пайтда берилган таълим-тарбия воситасида уйғонади. Юртимизда эко-таълимга боғча ёшидан бошлаб эътибор қаратилганининг боиси шунда. Бу эса ўзининг ижобий самараларини бермоқда. Тадбирда тақдим этилган "Ўзбекистонда БРТ бўйича энг яхши амалиёт шарҳи" рисоласи билан танишган киши бунга яна бир қарра амин бўлади.

Тадбирнинг иккинчи кuni иқлим ўзгариши масалаларига бағишланди. Ташкилотчиларнинг ўқитиришича, бу мавзу тасодифан танлангани йўқ. Чунки глобал иқлим иситиши биз учун бегона эмас. Унинг салбий оқибатларини дунёнинг кўплаб давлатларида юз бераётган турли табиий офатлар мисолида яқиндан ҳис қилиб турибмиз. Мутахассислар муаммонинг келиб чиқиш негизи ҳақида сўз юритишар экан, бунга барқарор ривожланиш мезонлари бузилганини бош сабаб сифатида кўрсатишди. Шунингдек, бугунги мураккаб экологик вазиятни юмшатиш, иқлим ўзгаришларининг омилу оқибатлари, ўзгарган иқлимдаги ҳаёт каби мавзулар муҳокама қилиниб, фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди.

С. РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Босимга бардошли қувурлар

ЖИЗЗАХдаги "Замонавий полимер қувур" масъулияти чекланган жамиятида 400 ҳамда 500 миллиметрни, юқори босимга бардош бера оладиган полиэтилен қувурлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Натижада бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар тури 36 тага етди. Айтиш лозимки, корхонада турли диаметри қувурлар билан биргаликда 20 хилдан зиёд халқ истеъмоли моллари ҳам ишлаб чиқарилмоқда. 35 кишидан иборат меҳнат жамоаси ўтган қисқа муддатда 1 миллиард 100 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаб, ички бозорга чиқарди.

Жамият раҳбари Ф. Сайдиевнинг билдиришича, келгуси йилдан эътиборан корхона маҳсулотлари экспортга ҳам чиқарилади.

Б. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Касаначилар ҳиммати

НАМАНГАН шаҳридаги "Муъжиза Н" корхонаси касаначиликни ривожлантириш орқали ўз фаолиятини кенгайтиришга ҳаракат қилмоқда.

Айни пайтда корхонага 70 нафар касаначи жалб этилган. Улар кўмаги билан жорий йилнинг ўтган даврида 132 тоннадан ортиқ нон ва қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Айтиш лозимки, Наманган шаҳридаги 115 та sanoat корхонаси томонидан ушбу фаолият ту-

Қ. НАЖМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Қунига 3-3,5 тонна парҳез маҳсулот

ФАРФОНА. "Чимён парранда" масъулияти чекланган жамияти "Тавсан" (Туркия) компанияси билан ҳамкорликда корхона меҳнат унумдорлигини янада оширди.

Ҳамкорлик натижасида бу ерга хориждан замонавий дастгоҳлар олиб келиб ўрнатилди. Шунингдек, четдан 120 мингта бройлер товуғи келтирилди. Ҳозир жамият ички бозорга бир кеча-кундузда 3-3,5 тонна парҳез маҳсулот чиқармоқда.

Муҳими, корхонада модернизация ишлари амалга оширилган, қўшимча 70 та иш ўрни яратилди.

Н. СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

КАПИТАЛ ҚЎЙИЛМАЛАР ҲАЖМИ ОШМОҚДА

2009 йилнинг тўққиз ойи давомида мамлакатимизда капитал қўйилмалар ҳажми

28,3 фоизга ортди.

Ўтган даврда республикамизда фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш, иқтисодийнинг барча тармоқларида энг муҳим лойиҳаларни жадал амалга ошириш ҳисобига соҳада шундай юқори натижага эришилди.



Илмий нашрлар намоиши

Пойтахтимизда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Республика ахборот-кутубхона маркази (РАКМ) томонидан "Информнаука" масъулияти чекланган жамияти ва "Наука" нашриёти (Россия Федерацияси) билан ҳамкорликда ташкил этилган халқаро илмий ҳамда илмий-техник нашрлар кўргазмаси очилди.

Кўргазмада кўплаб нашрлар — китоблар, альбомлар, журналлар, тўпламлар, турли тилдаги монографиялар, шунингдек, реклама ва матбаа маҳсулотлари кенг намоиш этилмоқда.

Ўзбекистон Фанлар академияси нашрлари намоиши этилаётган стенд бу ерга ташир буюрганларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Улар орасидан "Гелиотехника", "Ўзбекистоннинг ижтимоий фанлари", "Табиий бирикмалар кимёси", "Геология ва минерал ресурслар" каби журналлар, Ўзбекистон

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ
ШАРҲИ

ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ

Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимида ихтиёрий аъзоларнинг ҳисобварақлари бўйича 2009 йил 6 ноябрда Тошкент шаҳри Сергели туманида ўтказилган 1-ютуқлар тиражининг

РАСМІЙ ЖАДВАЛИ

Table with 4 columns: Ютуқ миқдори, Туман (шаҳар) филиали, Ҳисобварақ рақами, Банк коди (МФӨ). Contains 5000 rows of data.

Table with 4 columns: Ютуқ миқдори, Туман (шаҳар) филиали, Ҳисобварақ рақами, Банк коди (МФӨ). Contains 5000 rows of data.

Table with 4 columns: Ютуқ миқдори, Туман (шаҳар) филиали, Ҳисобварақ рақами, Банк коди (МФӨ). Contains 5000 rows of data.

Table with 4 columns: Ютуқ миқдори, Туман (шаҳар) филиали, Ҳисобварақ рақами, Банк коди (МФӨ). Contains 5000 rows of data.

Футбол бўйича Ўзбекистон XVIII миллий чемпионати олий лигаси ўйинлари якунланди.
 Сўнгги — ўттинчи тур жамоаларнинг турнир жадалларида эгаллаб турган ўрнига тасвир этмаслиги олдиндан маълум бўлса-да, мурасасиз курашлар остида ўтди. Кумуш медаль соҳибини «Пахтакор» сафарда аутсайдер жамоа — «Бухоро» билан дуранг (1:1) натижага эришди. «Локомотив» — «Андижон» жамоалари беллашуви ҳам қизиқарли кечди. Темир-йўлчилар учрашувнинг дастлабки ўн бешинчи дақиқасигача катта устунлик билан ҳаракат қилишди ва 2:0 ҳисобида олдинга чиқиб олишди. Ана шу иккита гол уларнинг хотиржамликка берилишига сабаб бўлди. Андижонликларнинг кетма-кет ҳужумлари кутмаган «Локомотив» аъзолари рақиб олдида охири қолди ва дарвозаларидан иккита гол ўтказиб юборишди. Натижада ўйин 2:2 ҳисобида якунига этди.



Футбол — 2009: КУТИЛМАГАН НАТИЖАЛАР, МУРОСАСИЗ ЎЙИНЛАР

Турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар кайд этилди: «Бунёдор» — «Динамо» 2:0, «Машъал» — «Сўғдиёна» 2:0, «Шўртан» — «Насаф» 1:0, «Олмалик» — «Навбахор» 2:0, «Хоразм» — «Металлург» 0:0, «Нефчи» — «Кизилкум» 3:0. «Машъал» — «Бунёдор» жамоалари ўртасидаги қолдирилган ўйин 12 ноябрь кuni Муборакда бўлиб ўтди.

Мавсум якунида чемпион билан қуйи ўринларда боратган жамоалар ўртасидаги фарқ («Бунёдор» 83 очко, «Сўғдиёна» — «Бухоро» 24 очко) 59 очкони ташкил этди. Шу ўринда савол туғилади: бу йилги мавсум муваффақиятли ўтди, деб бўладими? Бу ҳақда мутахассислар фикри билан қизиқдик.

Рустам АКРАМОВ, Ўзбекистон Футбол федерацияси терма жамоаларни тайёрлаш бўлими бошлиғи:
 — Ҳозир кўпчилик футбол ишқубозлари «Бунёдор» нинг муддатидан олдин голибликни кўлга киритиши чемпионатнинг қолган учрашувларига қизиқини камайтирди», дейишмоқда. Мен бу фикрга ун-

Шамиль ЯФАРОВ, Тошкент вилояти футбол федерацияси масъул котиби:
 — Ушбу мавсум чемпионлиги учун кураш, асосан, «Бунёдор» ва «Пахтакор» жамоалари ўртасида кечди. Учинчи ўрин учун эса «Насаф», «Нефчи», «Олмалик», «Локомотив» клублари баҳс юритдилар. Аслида, рақобат кучайиши учун камидо олти-етти жамоа голиблик билан кўпчилик назарига тушиди. Масалан, Азамат Абдураимов («Динамо»), Игорь Шкирин («Олмалик»), Баҳодир Давлатов («Машъал»), Вали Султонов («Хоразм»)лар келса, мавсумда ушбу жамоаларини бир неча етакчи футболчилар билан тўлдиривча муваффақ бўлишса, «Пахтакор» ва «Бунёдор» клублари билан бемалол рақобатлаша оладилар.

Албатта, шу ўринда миллий чемпионатимизда иштирок этган жамоалар ўртасидаги бир муаммага ҳам эътибор қаратиш жоиз. Назаримизда, ўзару-ўйин машғулотларига етакчи эътибор берилмаётгандай.

Оббек ЮСУСОВ, футбол шарҳловчиси:
 — Бу йил Ўзбекистон чемпионати биринчи лигасида иштирок этган жамоалар муқимлар кутган ўйинни нарийш эти оладилар. Тўртта жамоа чемпионат якунланмас-

Танлов СЎЛИМ МАСКАН

Пойтахтимиздаги Гафур Гулом номи маданият ва истироҳат боғи Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, республика Халқ ижодиёти ва маданият-маърифий ишлар илмий-методик маркази ҳамкорлигида ташкил этилган «Энг яхши оромгоҳ» республика танлови голиби бўлди.

Илк бор ташкил этилган ушбу танлов жараёнида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда пойтахтимиздаги маданият ва истироҳат боғларининг фаолияти, уларда олиб борилаётган обodonлаштириш, кўкаламзорлаштириш, шунингдек, маданият-маърифий ишлар атрофлича ўрганилди.

Истироҳат боғлари фаолиятини янада самарали ташкил этиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, халқимиз маънавиятини янада юксалтиришга хизмат қилувчи маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлигини ошириш мақсадида ташкил этилган ушбу танловда Самарқанд шаҳридаги Алишер Навоий номи маданият ва истироҳат боғи иккинчи ўринга лойиқ, деб топилди.

М. КАРИМОВА.

Заробогликлар — Шеробод туманининг узок тоғ қишлоқларида бири. Аҳолиси 6 мингга яқин. Кейинги даврда бу ерда одамларнинг юқумли касалликларига чалиниши деярли кузатилмади. Репродуктив саломатлик кўрсаткичлари ҳам юқори.

ШИФОКОР ХОНАДОНИМИЗГА КЕЛДИ

Заробогликлар бу кўнгилли ҳолатларни қишлоқ врачлик пункти фаолияти билан боғлаб гапирадилар. Бу беҳиз эмас. Пунктнинг жиҳозлари замонавий. ЭКГ, микроскоп, физиотерапия аппаратларини ишлатиладиган ходимлари малакали. 4 та патронаж ҳамшираси ҳамisha хонадонларда, одамлар ҳузурнда.

КВП қошида туман марказий шифохонасининг «Тез тиббий ёрдам» шохчаси очилгани нур устига аъло нур бўлди. Тоғликлар беморимизни марказга қандай элтиш, деб хавотир олмайдилар. Мутахассислар, дори-дармонлар шохобчада муҳайи.

Ислохот

— Хомийларнинг кўмаги билан даргоҳимизни 25 миллион сўм ҳисобига капитал таъмирлаб олдик. Қиш мавсумига тайёрмиз, — дейди КВП мудирини Анор Содикова. — Одамлар билан бақамти, бамаслаҳат ишлаяпмиз. Бу ҳамкорлик оддий таъминоти чигал муаммоларга айлантириб қўйишини олдин олмақда. Соғлом турмуш тарзи қарор топмоқда.

Туманда 19 та КВП ишлаб турибди. Уларнинг кўпчилиги олис қишлоқларда очилгани эътиборли. Ва айнан тоғдаги КВПларни техник ҳамда тиббий жиҳозлар билан таъминлашга алоҳида гамхўрлик кўрсатилаётгани ибратли. Масалан, Қорабоғ КВПсида яқинда «Дамас» русумли автомашина ажратилди. Теварак-атрофи ободонлаштирилган янги иморат сўлим сиҳатгоҳни эслатади. Умумамалиёт врачлари Раъно Назарова ва бошқа ходимларнинг хизмати элга манзур.

— Фарзандимизга иситма хуруж қилса, шошибди. Давлатимизнинг биз, тоғликларга кўрсатаётган ҳимматидан бошимиз осмонда. Нафақат қорабоғликлар, туман марказидан 76 километр олдига жойлашган Чорвоқ тоғларнинг тўғидаги Хатақ, Хомкон қишлоқлари одамлари ҳам Шаҳридин аканинг гапларини такрорлашади.

— КВПларда малакали мутахассислар аҳоли билан учрашувлар, профилактик кўрик-кузатувлар ташкил этиляпти, — дейди туман тиббиёт бirlашмаси бошқибанинг ўринбосари Панжи Алланаров. — Бу даргоҳлар қиш учун етарли кўчма билан таъминланди. Айни пайтда уларга электр қуввати ҳосил қилувчи кичик моторлар қаратишни мўлжалляймиз. Бу каби хайрли тадбирлар қиш фаслида янада кучайтирилади.

Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Энг фаол маънавият тарғиботчиси

Бухорода республика Маънавият тарғибот маркази томонидан олий ўқув юртлари ўқитувчилари ўртасида ўтказилаётган «Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси» кўрик-танловининг минтақавий bosқичи бўлиб ўтди.

Унда Навоий ва Бухоро вилоятлари олий ўқув юртларининг ўқитувчилари ўзаро беллашдилар.

Танлов якунига кўра, Бухоро давлат университети ўқитувчиси, фалсафа фанлари доктори, профессор Ҳақима Саломова биринчи ўринни эгаллади. Кейинги ўринлар Навоий кончилиги институтини ўқитувчиси, та-

рих фанлари номзоди, доцент Жумабой Нуруллаев ҳамда Бухоро озик-овқат ва энгил саннат технологияси институтини ўқитувчиси, фалсафа фанлари номзоди Гуландис Юнусовага насиб этди.

И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ютуқ миқдори	Туман (шаҳар) филиали	Хисобварақ рақами	Банк коди (МФО)
10000	ВОДИЛ ФИЛИАЛИ	40111574270107	00901
10000	СЕРТЕГИ ФИЛИАЛИ	31212563970010	00826
10000	КЕВБИЛИ ФИЛИАЛИ	31301823370010	00640
10000	ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ	30305551590031	00676
10000	КУЗИЛТАПА ФИЛИАЛИ	42702821120038	00706
10000	ПАСТИДАРОМ ФИЛИАЛИ	41403939900171	00729
10000	КУЗИЛТАПА ФИЛИАЛИ	31312831650011	00753
10000	КУЗИЛТАПА ФИЛИАЛИ	42511614320018	00789
10000	МИРЗОБЕД ФИЛИАЛИ	301018070140023	00820
10000	ТУРКУЛ ФИЛИАЛИ	42259593420021	00833
10000	РОМЛАН ФИЛИАЛИ	30208751100010	00669
10000	ЯКАБЕО ФИЛИАЛИ	40101612530209	00691
10000	БОҒИШАМОЛ ФИЛИАЛИ	32708673950044	00724
10000	УЗУН ФИЛИАЛИ	40605681910019	00745
10000	БУКА ФИЛИАЛИ	40206640510011	00782
10000	ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ	32501583120016	00808
10000	СОБИР РАҲИМОВ ФИЛИАЛИ	400254210033	00828
10000	ЭЛТИКА ФИЛИАЛИ	40608733360057	00646
10000	УЛТАПА ФИЛИАЛИ	41202781590010	00684
10000	МИНГБЛОК ФИЛИАЛИ	31908452200028	00713
10000	САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ	30409103970013	00734
10000	ГУЛИСТОН ФИЛИАЛИ	31006852890016	00764
10000	БЕШАРҲИ ФИЛИАЛИ	42305634180053	00797
10000	ЯКАСАРОЙ ФИЛИАЛИ	30103621390079	00824
10000	КУНҲУТ ФИЛИАЛИ	41301763470094	00639
10000	ОЛОТ ФИЛИАЛИ	31912781040026	00674
10000	НАШОН ФИЛИАЛИ	41012642670016	00698
10000	БУЛҲУР ФИЛИАЛИ	31801548390022	00727
10000	ЖАРҚУРҒОН ФИЛИАЛИ	32609811810041	00749
10000	ПАРКЕНТ ФИЛИАЛИ	4107805950014	00788
10000	ХОНКА ФИЛИАЛИ	40703803120114	00812
10000	ХУЖАЙИ ФИЛИАЛИ	40607633490022	00839
10000	КУНҲУТ ФИЛИАЛИ	32712511060015	00667
10000	КОСОН ФИЛИАЛИ	30708678300172	00698
10000	КОСОНФИЛИАЛИ	32501752190014	00718
10000	СИБ ФИЛИАЛИ	41701143830011	00738
10000	ЧИНОЗ ФИЛИАЛИ	41201670590023	00780
10000	КУВАСИ ФИЛИАЛИ	40808574330017	00802
10000	СОБИР РАҲИМОВ ФИЛИАЛИ	41505763060043	00828
10000	ТАХТАКУП ФИЛИАЛИ	40107634100021	00641
10000	КАЛДЫРАЙ ФИЛИАЛИ	41702641590019	00677
10000	НАХАШ ШАҲАР ФИЛИАЛИ	33005528200172	00738
10000	НАРТАН ФИЛИАЛИ	41707813330029	00731
10000	ҚУМҚУРҒОН ФИЛИАЛИ	30504651880013	00754
10000	ПАРҒОНА ШАҲАР ФИЛИАЛИ	4200459420038	00791

Ютуқ миқдори	Туман (шаҳар) филиали	Хисобварақ рақами	Банк коди (МФО)
10000	ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ	42006640510036	00821
10000	ЧИМБОЙ ФИЛИАЛИ	42904563400013	00635
10000	РОМЛАН ФИЛИАЛИ	30410631100010	00699
10000	ЛЕҶКОНОБ ФИЛИАЛИ	30610462580021	00693
10000	БОҒИШАМОЛ ФИЛИАЛИ	31011533950010	00724
10000	ЭНГЛИЗ ФИЛИАЛИ	3910781910104	00745
10000	БУКА ФИЛИАЛИ	40502620510017	00762
10000	ТУРКОН ФИЛИАЛИ	40204783080149	00809
10000	СОБИР РАҲИМОВ ФИЛИАЛИ	41411802219025	00828
10000	АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ	30202731230027	00649
10000	УЛТАПА ФИЛИАЛИ	30204721590014	00684
10000	МИНГБЛОК ФИЛИАЛИ	31603612200017	00713
10000	ТЕМИРЎЛ ФИЛИАЛИ	30811699710018	00736
10000	ЮКОРИ ЧИРЧИК ФИЛИАЛИ	30907840240083	00771
10000	БЕШАРҲИ ФИЛИАЛИ	32309874180089	00797
10000	ЯКАСАРОЙ ФИЛИАЛИ	3294070191177	00824
10000	КУНҲУТ ФИЛИАЛИ	32502733470039	00839
10000	ЗОМЛИН ФИЛИАЛИ	305025511610016	00675
10000	НАШОН ФИЛИАЛИ	41502952670056	00698
10000	ОҚДАРЕ ФИЛИАЛИ	40701758880041	00728
10000	ЖАРҚУРҒОН ФИЛИАЛИ	41703651810044	00749
10000	ПАРКЕНТ ФИЛИАЛИ	30604851050013	00788
10000	ХАЗРАСОН ФИЛИАЛИ	31708643110020	00813
10000	БУХОРО ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ	31302871100011	00116
10000	ВОБЕНТ ФИЛИАЛИ	42803591050012	00688
10000	ШАҲАРСАЗ ФИЛИАЛИ	41808825911071	00690
10000	КОСОНФИЛИАЛИ	32206822190018	00738
10000	ЧЕРАК ФИЛИАЛИ	32940483940036	00741
10000	ЧИРЧИК ФИЛИАЛИ	31005680470059	00781
10000	СУҲ ФИЛИАЛИ	32708484240017	00806
10000	СОБИР РАҲИМОВ ФИЛИАЛИ	41608690310334	00828
10000	ЭЛТИКА ФИЛИАЛИ	3120563390014	00646
10000	ПАРҒОНА ФИЛИАЛИ	30505661590026	00683
10000	НАМАҒАН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ	30512502170083	00711
10000	НАРТАН ФИЛИАЛИ	4010665390014	00731
10000	ОЛТИНСОЙ ФИЛИАЛИ	32512511000011	00738
10000	РИШТОН ФИЛИАЛИ	32310744210010	00796
10000	МИРЗО УЛҲАЕК ФИЛИАЛИ	32104873940086	00724
10000	МИНГБЛОК ФИЛИАЛИ	32701843390039	00637
10000	ГАЛЛОСЕЙ ФИЛИАЛИ	32106791950031	00672
10000	БЕШКЕНТ ФИЛИАЛИ	32810712610012	00696
10000	БОҒИШАМОЛ ФИЛИАЛИ	32204873940086	00724
10000	ДЕВОН ФИЛИАЛИ	30504511940011	00747
10000	КЕЛЕС ФИЛИАЛИ	30806760500040	00786
10000	ШОБОТ ФИЛИАЛИ	42011713140045	00810

Ютуқ миқдори	Туман (шаҳар) филиали	Хисобварақ рақами	Банк коди (МФО)
10000	СОБИР РАҲИМОВ ФИЛИАЛИ	31604842020066	00828
10000	КУРҒОНПЕША ФИЛИАЛИ	42904801360039	00659
10000	КАШКАДАРЕ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ	41009862610087	00687
10000	ПОП ФИЛИАЛИ	41010522120022	00714
10000	ТЕМИРЎЛ ФИЛИАЛИ	43010733780042	00736
10000	ЭНГЛИЗ ФИЛИАЛИ	41803697880081	00778
10000	КУСА ФИЛИАЛИ	3300354180208	00799
10000	ЧИНОЗ ФИЛИАЛИ	31706800400018	00825
10000	КЕВБИЛИ ФИЛИАЛИ	4251263370035	00640
10000	ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ	31005541670031	00676
10000	НУРТАПА ФИЛИАЛИ	4030712360016	00702
10000	ПАСТИДАРОМ ФИЛИАЛИ	4300743950019	00729
10000	КУЗИЛТАПА ФИЛИАЛИ	31001661820013	00763
10000	ПАРКЕНТ ФИЛИАЛИ	40101510500035	00788
10000	ПИТНАК ФИЛИАЛИ	4290763170037	00818
10000	ФУЖАБЕ ФИЛИАЛИ	42906801050055	00718
10000	НАШОН ФИЛИАЛИ	40812891100119	00839
10000	ШАҲАРСАЗ ФИЛИАЛИ	41810672840025	00690
10000	НОҒОН ФИЛИАЛИ	33008672110010	00722
10000	ТАЙЛОК ФИЛИАЛИ	40705644050018	00742
10000	БУКА ФИЛИАЛИ	41006706510046	00672
10000	ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ	40804851050068	00808
10000	СОБИР РАҲИМОВ ФИЛИАЛИ	4270590070016	00828
10000	ЭЛТИКА ФИЛИАЛИ	3290553360035	00646
10000	УЛТАПА ФИЛИАЛИ	42811811670029	00684
10000	НАМАҒАН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ	31802832140014	00711
10000	ПАХТАВИ ФИЛИАЛИ	32206893960020	00733
10000	ШРАШИДОВ ФИЛИАЛИ	3220489290029	00797
10000	БЕШАРҲИ ФИЛИАЛИ	41302644180010	00763
10000	КОНОБЕО ФИЛИАЛИ	32708710640012	00823
10000	ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФИЛИАЛИ	31507543500021	00638
10000	ОЛОТ ФИЛИАЛИ	3110486140039	00673
10000	КАМАШИ ФИЛИАЛИ	4170184260078	00696
10000	ПАРКЕНТ ФИЛИАЛИ	4210183340065	00725
10000	ДЕВОН ФИЛИАЛИ	33103691800017	00747
10000	ПАРКЕНТ ФИЛИАЛИ	4107930550021	00788
10000	ХОНКА ФИЛИАЛИ	32111690320049	00829
10000	АКИРМОВ ФИЛИАЛИ	32709781070037	00666
10000	КОСОН ФИЛИАЛИ	3290649260011	00688
10000	КУРҒОНПЕША ФИЛИАЛИ	42903702150018	00717
10000	СИБ ФИЛИАЛИ	4200843710071	00738
10000	ОҚУРҒОН ФИЛИАЛИ	3040610540022	00779
10000	БУДИЛ ФИЛИАЛИ	30402814270030	00801
10000</			